
Расмий муносабат

Телеграм ижтимоий тармоғидаги “Кушербаевга мурожаат” каналида Ўзбекистон тумани Намуна МФЙ, Тараққиёт кўчасида яшовчи Дониёр Исаковнинг мурожаати эълон қилинди.

Унда мурожаатчи Ўзбекистон туманидаги "4к-926" автомобил йўлидаги бетон кўприкни кенгайтириб, икки ёнидан пиёдалар йўлакчасини олиб ўтиш ва уни яқунига етказишда амалий ёрдам сўраган.

Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси мазкур мурожаат ва ушбу кўприкка оид мавжуд ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Унитар корхона тасарруфидаги 4 К-926 “Яйпан-ш – Яйпан т-й бекати - Абдусаматқ - Тошкент-Ўш”автомобил йўлининг 3 км қисмида жойлашган Катта Фарғона каналининг устидан ўтган мазкур кўприкнинг қатнов қисми 6,6 метрни, пиёдалар ўтиш жойи эса 0,85 метрни ташкил этади.

Мурожаатчининг айтилиши мазмундаги аввалги таклифи асосида ушбу кўприкни таъмирлаш юзасидан Фарғона вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси томонидан республика автомобиль йўллари қўмитасига тегишли хат юборилиб, автомобиль йўллари қўмитаси томонидан ушбу масала Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати йиғилиши кун тартибига киритилишига амалий ёрдам берилиши ҳақида маълум қилинган.

Автомобил йўллари ташкилотининг юқори турувчи муассасалари томонидан кўрилатган амалий чоралар давомида тегишли тартибда мазкур кўприкни таъмирлашга маблағ ажратилиши натижасида ушбу масала албатта ўз ижобий ечимини топади.

2023-10-31 09:23:47